

ИСТИҚЛОЛ – УЛУҒ НЕЪМАТ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Муҳтарам жамоат! Бугун жаннатмакон юртимиз мустақиллигининг 26 йиллик байрамини дилда қувонч ва катта шодиёналар билан кутиб олмоқдамиз. Аллоҳ таоло бу саодатли ва қутлуғ айёмни барчамизга муборак айласин!

Дарҳақиқат, мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, барпо этилган кўркам уй-жойлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт масканлари, замонавий корхоналар, кенг ва рагон йўллар, боғу хиёбонлар шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини бутунлай ўзгартириб, аҳоли фаровонлиги, онги ва тафаккурининг юксалишига хизмат қилмоқда. Шунингдек, ўтган давр мобайнида ислом дини равнақи учун кенг имкониятлар яратилди.

Мустақиллик бизга мустабид тузум даврида топталган ижтимоий, маънавий ва диний қадриятларнинг қайтадан тикланиши ва ривожланиши учун кенг йўл очиб берди. Диний ва миллий қадриятларимиз қайтадан равнақ топа бошлади. Натижада ҳалқимиз ўзлигини таниб турмушнинг барча жабҳаларида миллийликка қайтмоқда. Аллоҳ таоло Қуръони каримда марҳамат қилганидек:

وَقُلْ جَاءَ الْحَقُّ وَزَهَقَ الْبَاطِلُ إِنَّ الْبَاطِلَ كَانَ زَهُوقًا ﴿٨١﴾ (سورة الاسراء/81)

яъни: “**Айтинг, Ҳақиқат келди ва ботил йўқолди. Чунки ботил йўқолувчи нарсадир**” (Исро сураси, 81-оят).

Халқимиз барча соҳада эмин-эркин саъй-ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлгани каби динимиз кўрсатмаларини хотиржам адо этиш бахтига ҳам муяссар бўлди. Минглаб масжидлар очилиб, мўмин-мусулмонлар ихтиёрига топширилди, ўнлаб диний таълим муассасалари барпо қилиниб, у ерда ёшлар диний ва дунёвий фанлардан таҳсил олмоқдалар. Азиз авлиё, улуғ аллома ва фозил инсонларнинг мақбаралари ва кўплаб зиёратгоҳлар таъмирланди. Ҳар йили ҳукуматимизнинг кўмаги билан минглаб ватандошларимиз муборак Ҳаж ва Умра зиёратига бориб келмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси, албатта, Аллоҳнинг инояти ва шунингдек истиқлолимизнинг шарофатидандир.

Хусусан, буюк аждодларимизнинг бебаҳо асарлари ўрганилиб, уларни она тилимизга таржима қилишдек имкониятларга эга бўлдик. Ўтган йиллар давомида Қуръон, ҳадис, тафсир, фикҳ, ислом тарихи, маданияти ва

фалсафасига оид кўплаб йирик тадқиқотлар амалга оширилди. Турли мавзудаги диний адабиётлар, юртимизда яшаб, ижод қилган буюк алломаларимизнинг илмий мерослари нашр этилиб, кенг оммага тақдим қилинди ва қилинмоқда. Аллоҳ таоло Қуръони каримда:

لَئِنْ شَكَرْتُمْ لَأَزِيدَنَّكُمْ ﴿٧﴾ (سورة إبراهيم/7)

яъни: “Агар (берган неъматларимга) шукр қилсангиз, албатта, (уларни янада) зиёда қилурман...”, - деб таъкидлаган (Иброҳим сураси, 7-оят).

Инсон ўзидаги неъмат ҳақида мулоҳаза юритиши, шу неъматдан ўзгалар ҳам баҳраманд ёки бебаҳра эканлигини ўйлаб кўриши билан унинг кадрили англайди.

Бу эса янада кўпроқ Аллоҳга шукр қилишга ундайди. Албатта, бу Аллоҳ таолога хуш келади. Натижада неъматнинг янада зиёда бўлишига сабаб бўлади. Пайғамбаримиз ﷺ ҳадисларининг бирида:

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "مَنْ أَصْبَحَ مِنْكُمْ آمِنًا فِي سِرْبِهِ، مَعَافِي فِي جَسَدِهِ، عِنْدَهُ قُوَّةٌ يَوْمَهُ، فَكَأَنَّمَا حِيزَتْ لَهُ الدُّنْيَا بِحَدَائِفِهَا" (رواه الإمام البخاري و الإمام الترمذي).

яъни: “Қайси бирингиз тонгда уйқудан уйғонганда оиласи тинч, тани соғ ва уйида бир кунлик егулиги бўлса, билсинки, унда дунёдаги барча неъматлар мужассам экан”, - деганлар (Имом Бухорий ва Имом Термизий ривояти).

Давлатимизнинг ислом динига нисбатан ғамхўрлиги барчамизда ўз навбатида ислом динининг мусаффолигини сақлаш, унинг асл моҳиятини теран англаб, ёш авлодни турли ғаразли кучлар таъсиридан ҳимоя қилишга масъулият ҳиссини оширмоғи зарур бўлади.

Абу Хурайра رضي الله عنه дан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз ﷺ:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "مَنْ لَمْ يَشْكُرِ النَّاسَ لَمْ يَشْكُرِ اللَّهَ"

(رواه الإمام الترمذي).

яъни: “Қиммики инсонларга улардан кўрган яхшиликлари эвазига шукр қилмаган экан, демак Аллоҳга шукр қилмабди”, - деганлар (Имом Термизий ривояти).

Демак, биз мусулмонларга ҳар томонлама кўмак бериб, зарур бўлган шарт-шароитлар яратиб берган раҳбарларимиздан тортиб, то атрофимиздаги кишиларнинг яхшилигини эътироф этиб, ташаккурлар айтмас эканмиз, Аллоҳ таолонинг беҳисоб неъматларининг шукронасини ҳеч ҳам адо этолмаймиз.

Пайғамбаримиз ﷺ: шундай деганлар:

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: "مَا أَنْعَمَ اللَّهُ عَلَى عَبْدٍ نِعْمَةً، فَقَالَ: الْحَمْدُ لِلَّهِ، إِلَّا كَانَ الَّذِي أَعْطَاهُ أَفْضَلَ مِمَّا أَخَذَ" (رواه الإمام ابن ماجه).

яъни: “Аллоҳ таоло бандага каттами, кичикми бир неъмат берса ва банда унинг шукронаси учун “Аллоҳга ҳамд бўлсин”, деса, шунда у ўша неъматдан ҳам афзалроқ нарсага эришган бўлади” (Имом Ибн Можа ривояти).

Муҳтарам жамоат! Барчангизга маълумки, ўтиб бораётган 2017 йил жаннатмакон юртимиз раҳбари ташаббуслари билан “**Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили**” деб эълон қилинган.

Ислом динида инсонларга манфаат етказувчи киши Аллоҳ таоло учун энг суюкли бандалардан ҳисобланади.

Зеро, Аллоҳ таоло йўлида қилган яхши амалларимиз, халққа қилган холис хизматларимиз, эзгу ниятларимиз асло зое бўлмайди. Чунки, сизу-бизнинг қилган яхши ишларимизни ва инсонларга кўрсатган ғамхўрликларимизни бандалар унутиб юборса ҳам Аллоҳ таоло асло унутмайди. Аллоҳ таоло Ўз шаънига муносиб тақдирлайди. Динимиз мўмин-мусулмонларни бир тану бир жон бўлиб, ўзаро бир-бирига ёрдам бериб, манфаат келтириб яшашга тарғиб қилган.

Чунки қайси бир инсон бошқа бир инсонга яхшилик қилиб, ёрдам кўлини чўзиб, унинг мушкилини енгил қилса, Аллоҳ таоло у бандага Ўзи ёрдамчи бўлади.

Ҳадиси шарифда шундай марҳамат қилинган:

عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا، أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: "أَحَبُّ النَّاسِ إِلَى اللَّهِ

أَنْفَعُهُمْ لِلنَّاسِ"

(رواه الإمام الطبراني).

яъни: Ибн Умар رضي الله عنه дан ривоят қилинади Пайғамбар ﷺ: “Аллоҳ таолога инсонларнинг энг суюклиси – одамларга энг кўп манфаат келтирувчисидир”, дедилар (Имом Табароний ривояти).

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни юксак даражада кадрлаб ва ардоқлаб бормоғимиз зарур бўлади. Зеро, тинчлик ва осойишталик фаровон ҳаёт ва юксак тараққиёт омилидир.

Истиқлол туфайли она диёримиз мусулмонлари ҳаётида ҳам катта ижобий ўзгаришлар юз берди.

Давлатимиз томонидан мустақилликнинг илк кунлариданоқ халқнинг маърифати ва маънавиятини юксалтириш, имон-эътиқодли қилишга катта эътибор қаратилди.

Аллоҳ таборака ва таоло Қуръони каримда зикр этган:

إِنَّمَا يَعْمُرُ مَسَاجِدَ اللَّهِ مِنْ آمَنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ وَأَقَامَ الصَّلَاةَ وَآتَى الزَّكَاةَ وَلَمْ يَخْشَ إِلَّا اللَّهَ

فَعَسَى أُولَئِكَ أَنْ يَكُونُوا مِنَ الْمُهْتَدِينَ ﴿١٨﴾ (سورة التوبة/18)

яъни: “Аллоҳнинг масжидларини фақат Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган, намозни баркамол ўқиган, закот берган ва фақат Аллоҳдангина кўрққан кишилар обод қилурлар. Айнан ўшалар

хидоят топувчилардан бўлишлари мумкин” (Тавба сураси, 18-оят) ояти каримасининг мазмунига мувофиқ мустақиллик йилларида Ўзбекистонда икки мингдан зиёд масжид обод бўлди ва намунали фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, 6-7 ой давомида мамлакатимизда диний соҳада катта ўзгаришлар содир бўлди. Аллоҳ таолонинг:

وَلِلّٰهِ عَلَى النَّاسِ حِجُّ الْبَيْتِ مَنِ اسْتَطَاعَ اِلَيْهِ سَبِيْلًا ﴿٩٧﴾ (سورة ال عمران/97)

яъни: “Йўлга қодир бўлган киши зиммасида Аллоҳ учун Байтни ҳаж қилиш (фарзи) бордир” (Оли Имрон сураси, 97-оят) ояти каримасига амал қилган ҳолда бу йил етти мингдан зиёд ҳамюртларимиз исломнинг асосий арконларидан бўлмиш Ҳаж ибодатини адо этишга муяссар бўлмоқдалар.

Шунингдек, Президентимизнинг Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқотлар марказини ташкил этиш, Сурхондарёдаги Абу Исо Муҳаммад Термизий зиёратгоҳини улкан мажмуага айлантириш, Бухорода “Мир Араб” олий мадрасасини ташкил этиш, Қашқадарёдаги Абу Муин Насафий, Навоий вилоятидаги Нурота қадамжоларини, пойтахтдаги Сузук ота ва ат-Термизий масжидларини капитал таъмирлашга доир ташаббусларини халқимиз катта қувонч билан қарши олди.

Буларнинг замирида мустақиллик берган имкониятлар ва эркинликлар ётади. Мўмин-мусулмонларимиз Аллоҳ таоло ато этган мустақиллик ҳамда ибодатларни эмин-эркин адо этиш неъматига доимий шукроналар айтишлари лозим.

Ўтган йилларда юрт тинчлиги, халқимизнинг фавровонлигига раҳна солиш мақсадида Ватанимизга кириб келган мутаассиб оқимлар тузоғига илинган баъзи шахслар қилмишларига яраша жазо олдилар. Жорий йил давомида давлатимиз томонидан ташкил қилинган, диний уламолар, имом-хатиблар, исломшунос мутахассислар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, маҳалла вакилларидан иборат махсус ҳайъат жазо муддатини ўтаётган ҳамда яшаш манзилларидаги ана шундай шахслар билан якка тартибда суҳбатлар ўтказдилар. Натижада, улар адашганини англаб, қилмишидан пушаймон эканини билдилар. Шунга кўра уларга махсус ҳисобда турувчилар рўйхатидан чиқарилиб, кейинги ҳаётларида Ватанга, халққа хизмат қилиш орқали хатоларини оқлаш имкони берилди. Ўз навбатида маҳалла жамоатчилиги, мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда имом-хатибларимиз ҳам уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, фойдали меҳнат билан машғул бўлиши учун ёрдам кўрсатмоқдалар.

Бу ҳам бўлса, кечиримли бўлиш чин мўминга хос фазилатдир, деган ҳикматнинг тўлиқ ифодасидир. Зеро, Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг “Оли Имрон” сураси, 134-оятда шундай марҳамат қилади:

الَّذِينَ يُنْفِقُونَ فِي السَّرَّاءِ وَالضَّرَّاءِ وَالْكَاطِمِينَ الْغَيْظَ وَالْعَافِينَ عَنِ النَّاسِ وَاللَّهُ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ ﴿١٣٤﴾

(سورة آل عمران/134).

яъни: “Улар (мазкур тақводорлар) фаровонлик ва танглик кунларида ҳам хайр-садақа қиладиган, ғазабларини ютадиган, одамларни (хато ва камчиликларини) афв этадиганлардир. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар”.

Аллоҳ таоло барчаларимизни улуғ ва азиз мустақиллик неъматининг кадрига етиш, унинг учун шукрлар айтиб, уни янада мустаҳкам ва бардавом бўлиши йўлида савобли амалларни қилишимизни насибу рўзи айласин! Азиз ва қадрли Истиқлолимизнинг йигирма олти йиллик шодиёналарини шоду-хуррамлик, масрурлик, тинчлик-омонлик ва ўзаро иттифоклик билан ўтказишимизда Парвардигор ёру мадакдор бўлсин!

Муҳтарам азизлар! Фикҳий масалаларнинг баёни борасидаги бугунги суҳбатимизда ханафий мазҳабимизда **истинжо ва таяммум** қилишга оид ҳукмлар ҳақида сўз юритамиз.

Истинжо қилиш тартиби:

1. истинжо қилиш суннатдир;
2. кесак ёки унга ўхшаш нарса билан истинжо қилиб, то поклангунча артиш;
3. истинжо қилишда муайян адад йўқ, бироқ сони тоқ бўлгани яхши;
4. истинжодан кейин сув билан ювиш афзалдир;
5. агар нажас махраж жойидан бошқа жойга ёйилса бу ҳолатда ювиш вожиб бўлади;
6. суяк ва тезак кабилар билан истинжо қилиш мумкин эмас;
7. ейладиган нарса билан истинжо қилинмайди;
8. ўнг қўл билан истинжо қилинмайди.

Таяммумнинг фарзлари:

1. таяммумни ният қилиш;
2. пок тупроқни қасд қилиш;
3. икки қўлини ерга уриб, юзига масҳ қилиш;
4. қўлларини ерга уриб икки қўлини тирсаклари билан қўшиб масҳ қилиш.

Таяммум қилиш жоиз бўлган ҳолатлар:

1. сув топишга ожиз бўлган вақтда таяммум ҳам таҳорат ва ҳам ғусл ўрнига ўтади;
2. баданидаги касал сув тегиш натижасида кучайиб кетадиган бўлса;
3. сув соғлиги учун ўта совуқлик қилса;
4. душманлар хавфи бўлса;
5. сув озлиги сабабли агар таҳорат қилса, ташналик ёки сувсизликда қоладиган бўлса;
6. сув бор бўлиб, таҳоратга қодир бўлган вақтда таҳорат қилиб бўлгунча, қазо қилинмайдиган намозга улгирмайдиган бўлса (икки ҳайит намози кабилар);
7. маййит эгаси (валий)дан бошқа киши агар таҳорат қилса, жаноза намозига етиша олмаслигидан қўрқса.

Мухтарам имом домла! Сиз хизмат қилаётган масжид жойлашган туман ва маҳаллада Истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, ижобий ўзгаришлар ҳақида сўзлаб, Мустақиллик байрами муносабати билан ўтказиладиган тадбирларда фаол иштирок этиб, жума намозини белгиланган вақтда адо этилишига риоя қилишларингиз тавсия этилади.